


МЕХРИБОНЛА

Наврўзи олам

Наврўз том маънода — ол
Йил боши, яъни янги кун де-
мангидир. Мустақиллигимиз 9
йиллиги олдидан кутиб



... Замондош ровийлар андоқ ривоят қилмишди...
қалани ахлининг бир гуруҳи Наврўз арафасида халфана у сулинда сумалак
солмишлар. Албатта, дошқозон атрофида бола-бақрала, заифалар ан-
дармон. Адибларимиз эрса бир пиёла чой устинда суниалак мадҳинда
андак мушоира қилмишларким, ушбу гуруннинг қисқача баъни шул ту-
руп.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ

СУМАЛАКНОМА

БОЗОРДАГИ УЧРАШУВ

(масала-латифа)

Ҳашар — элга ярашар.
Сузилганда сумалак,
Бўлиб тур жуда сергак.
Чўмич етмаган онда,
Тушиб кетма қозонга...

Мурод ҚАЛОНХОНОВ

Ийртак кун катта бозор йўлида
Сумалак ва Атала учрашиб қолибди-
лар.


— Мунча, бу қўйни кўнжингизу
тўрвангизни ҳам тош-пошга тўлдириб
олибсиз, ошна? — деб сўрабди Ата-
ла.

— Э, сиз сўраманг, мен айтмай. Ка-
мина бугун кооператив ошхонанинг
дошқозонида қайнаганман, — деб жа-
воб қилибди Сумалак. — Ҳа, бу ўзла-
риям суяк қўлтиклаб олибдиларми?
— Энди, нима десам экан... — муж-
маллаибди Атала. — Нотаниш қас-
содан гўшт олиш ана шунақа бўлар-
кан-да...

Анвар ОБИДЖОН

КАТТА БОҒДАГИ ПАТРАКБОЗ

Салом, Наврўз байрами! —
Баҳорнинг энг хуш дами.
Бугун мен, Соли, Рамиз,
Патракбозларимиз...



Юртимизда тadbиркорларнинг фаолият
қўрсатиши учун барча шароитлар яратиб бе-
рилмоқда. Айниқса уларга имтиёзли кредит-
лар берилиши ўзининг ижобий натижаларини
бермоқда. Норин туманидаги «Бахт» хусусий
фирмаси тadbиркорлари яратиб берилган ша-
роитлардан оқилона фойдаланишмоқда. Айни
вақтда фирма ўз йўлини топиб олган. Бу ерда

аҳолига етти турдаги маиший хизмат қўрсат-
тилмоқда. Фирма фаолиятдан аҳоли мамнун.

Суратда: тикувчилар Мирзаали Камол-
лов, Дилфуза Қўчқорова.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

Харакат хавфсизлиги

АЧЧИҚ САБОҚЛАР

Бултур Денов тумани
ички ишлар бўлими дав-
лат автомобил ходимла-
ри учун ҳам, йўлсозлар
учун ҳам ва табиийки, пи-
ёдалар учун ҳам анча но-
хуш кечди: туман йўл-
транспорт ҳодисалари
бўйича виллоятда «бирин-
чи» ўринни эгаллади.
1999 йил давомида 106
марта йўл-транспорт
ҳодисаси юз бергани ту-
файли 18 киши ҳаётдан
кўз юмди ва 125 киши у
ёки бу даражада тан жа-
роҳати олди. Ачинарлиси
шундаки, ҳалок бўлган ва
тан жароҳати олганлар
орасида болалар ҳам бор.
Қумқўрғонлик Т.Алима-
тов бошқарувидаги «Не-

Ислонхўжа Усмонов Марҳамат
туманидаги Аъзамжон Шамсудди-
нов номли ширкат хўжалигида
меҳнат қилади. У бошқараётган Бе-
ларусс трактори учун қишин-ёзин
ш топилади. У асло тиним бил-
майди. Моҳир механизатор айни
кунларда ариқ зовурларни тоза-
лаш, маҳаллий ўғит жамғариш иш-
ларида фаоллик кўрсатмоқда.
Ширкат хўжалиги бу йил 750 гек-
тар ерга чигит экади.

Суратда: механизатор Ислон-
хўжа Усмонов.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

Тармоқ касабга уюшма қўмиталарида БОЗОР ВА ИШЧИ МАНФААТИ

Яқинда «Тошкент трактор заводи» Давлат
ҳиссадорлик жамиятида Тошкент шаҳар
касба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан
«Тошкент шаҳар металлургия ва машинасоз-
лик соҳалари касабга уюшмаси қўмиталари
аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий химояси»
мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди.

Мамлакатимиз иқтисоди-
ётини ривожлантиришда
нодавлат сектори аҳамия-
ти йилдан-йилга ортиб бе-
раётганини назарда тутиб,
семинар иштирокчилари
асосий эътиборни ушбу
соҳа касабга уюшмаси ша-
ҳар қўмитаси тизимига ки-
рувчи хўжалик юритувчи
субъектларда тузилган
қўшма ва кичик корхона-
лардаги касабга уюшмалари
фаолиятига қарадилар.
— Республикамызда чет
эл инвестицияси билан иш-
лаётган 16 та корхона
Тошкент шаҳрида фаолият
кўрсатмоқда, — деди пой-
тахт тармоқ касабга уюшма-
си қўмитаси раиси Шокир-
мурод Исроилов. — «ЎздЭУ
электроникс», «Дойчека-
бель», «Ўзкейсмаш»,



«Ўзкейстрактор», «Авташ»,
«Камаз», «Зафар», «ЎздЭУ
ингра», «ЎзПГС»лар шулар
жумласидандир.
Бу корхоналарда ишчи-
хизматчиларнинг ҳуқуқий
химоясини йўлга қўйиш ва
уларга етарли шарт-шаро-
итлар яратиш касабга уюш-
маларининг биринчи галда-
ги вазифасидир. Бу бора-
да қилинаётган қатор наму-
нали ишлар билан бир
қаторда камчиликлар ҳам
мавжуд эканлиги маълум
бўлди. Масалан, юқорида-
ги ўн олти корхонадан ўн
иккитасида касабга уюшма
қўмиталари тузилган, хо-
лос. Яъни қўшма корхона-
ларда ишчи-хизматчиларни
касбага уюшмалари харака-
тига жалб қилиш кўнгилда-
гидек эмас. Айрим касабга

уюшма қўмиталари қўшма
корхона раҳбарлари билан
муносабат ўрнатишга ки-
ришмаганлар.
Баъзи қўшма ва кичик
корхоналарда шартнома-
вий муносабатларнинг
қониклари эмаслиги кўзга
ташланади. Хусусан,
юқоридаги ўн иккита кор-
хонадан ўн иккитасида жа-
моа шартномалари тузил-
ган. Ундан кейин жамоа
шартномаларида иш беру-
чи билан ходим ёки ишчи
ўртасидаги мажбурият ва
бурчлари акс этиши лозим.
Аммо айрим касабга уюшма
фаолларидан ҳуқуқий билим-
нинг етишмаслиги туфайли
жамоа шартномаларида
шунга ўхшаш асосий талаб-
лар ўз ифодасини топмаёт-
тир.
Сўзга чиққанлар иш бе-
рувчи ва ходимлар ўртаси-
да тузилган шартномалар-
ни бекор қилиш ҳолларида
касбага уюшма қўмитаси-
нинг розилиги билан ҳал
қилиш ва бошқа муаммолар
хақида гапирдилар.
Семинар кенгашида Тош-

Мухаббат ДАВРОН,
«Ишонч» муҳбири.

Барҳаёт сиймолар

Маълумки, Марказий Осиё халқларининг
бой маънавий ва маданий меросини тасав-
вуф тариқатларисиз тасаввуф этиш қийин.
Собиқ шўролар тузуми даврида эса тасав-
вуф тариқатида бидъат ва ҳурфот сингари
қора бўёқлар чаплагани боис, халқимиз шу
йўналишдаги буюқ алломулар тафаккур маҳ-
сулидан баҳра ололмадилар. Мамаклатимиз
мустақилликка эришгандан кейингина ушбу
таълимотни ўрганишга кизиқиш кучайди.
Бундай ҳолат халқимизнинг миллий онги
ўсайтгани, миллий гурури мустаҳкамланиб
бораётганидан нишондир. Чунки тасаввуф
тариқати нафақат илмий, миллий мерос,
балки айни пайтда умуминсоний қадрият
ҳамдир. Бир сўз билан айтганда, у инсон-
нинг жамиятда тутган ўрнини, поклик, ҳалол
меҳнат, эзгу фаоллик, виждон, иймон, адо-
латлилик каби ҳислатларини том маънода
таҳлил этадиган ўзига ҳос йўналишдир.

отасидан олади. «Рашахот
айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт булоқла-
ри оққан томчилар») асари-
да ёзилишича, Шайх Хованд
Тахур шоҳиёт ва тариқат ил-
мининг йирик намояндалари-
дан бири бўлган. Айниқса,
Яссавий тариқатида эргашиб,
бу соҳадаги таниқли дин
пешоварлари билан яқиндан
алоқа ўрнатган. Тасаввуф
йўли ила илохий моҳиятга
эришиш ҳам, ўз навабатида
инсоннинг ахлоқий, маъна-
вий камолотига бевосита
таъсир кўрсатади. Ахлоқий
баркамол, етук кишиларгина
илохий кудратни билишга
яқинлаша оладилар, деган
ғоянинг мавжудлиги ҳам бу-
нинг ёрқин ифодасидир.
Шайх Хованд Тахурнинг
форс, араб ва туркий тил-
лари мукаммал билганлиги
ҳам унинг ботиний (арабча:

ноққа зор бўлиб яшаган. Кун-
лардан бир кун завжайи мух-
тарамалари билан биргалик-
да Имом Абу Бакр Қафол
Шоший (ёки халқ тилида Ҳаз-
рати Имом ёхуд Хасимом)-
нинг макбарасини зиёрат
қилиб, Аллоҳдан фарзанд ато
этишликни ёлвориб илтижо
қилдилар. Орадан маълум
вақт ўтган, туғилган чақалоқ-
ни йўرғаклаб яна Қафол
Шоший руҳи-покига Қурьон-
дан тиловат қилишди. Шу
пайт макбара томига кўниб
турган бир гала кабутарлар
бараварига юксакликка пар-
воз қилиб, «Ат-Тахур» деган
овоёз чиқарганлар. Шайх
Умар Боғистоний ўз наваба-
тида бу овозин башорат си-
фатида қабул қилиб, ўз ўли-
га Хованд Тахур (арабча -
пўк шайх) деб исм қўйган
экан. Боғистонийнинг насл-

Афсуски, Шайх Хованд Та-
хур ҳақида жуда кам маълум-
отлар сақланиб қолган. Ле-
кин шунга қарамай, у зот
ўз даври муаммоларини, ин-
сон манфаати, дарди, армон-
ларига доир мураккаб ечим-
ларни ҳал этишга бутун ум-
рини баҳишда этган, десак
муложа бўлмас. Агар ул ки-
шининг вафотларидан сўнг
ҳам макбаралари табаррук
зиёратгоҳга айлангани на-
зарда тутилса юқоридаги
фикримиз нечоғлиқ ҳақиқат-
га яқин келишини пайкаш
қийин эмас. Кейинчалик
Шайхнинг макбараси (Шай-
хонтахур тумани марказида)
ёнига шаҳар аҳлининг нуфуз-
ли намояндаларини дафн
этиш одатга айланиб қола-
ди. Манбаларга қараганда,
унинг қабри устига дастлаб-
ки макбарани қурдирган зот
ўз замонасининг машҳур дин
пешоварларидан Хожа Аҳрор
Валийдир. Ун аллома Шайх
Хованд Тахурнинг волидаи
мухтарамаларининг амакиси
бўлган. Аммо макбара за-
монлар ўтиши билан пугур-
дан кетиб, нураб бизгача
етиб келмаган. У XIX асрда
аввалги тархи ва кўриниши
сақланган ҳолда қайта тик-
ланган.

Тарихий маълумотларда
қайд этилишича, Шайх
Хованд Тахурнинг Довуд ис-
мили ўғли бўлиб, у ҳам паде-
ри бузрукворидан тариқат
илмидан сабоқ олиб, пирро-
вард - натижада етук каро-
мат соҳиб бўлиб танилган.
Довуд ва унинг бобоси -
Шайх Умар Боғистоний
Бўстонликдаги Боғистон
қишлоғига дафн этилганлар.
**Абдунаби
МАННОБИ,
Илҳом
ШЕРМУҲАМЕДОВ.**

ШАЙХ ХОВАНД ТАХУР

Шайх Хованд Тахур (халқ
тилида Шайхонтахур) фаоли-
яти билан танишишдан ол-
дин, у яшаган давр, муҳит
ҳақида маълум тасаввурга
эга бўлиш лозим, деб ўйлай-
миз. У яшаб фаолият кўрсат-
ган XIII аср охири ва XIV аср
бошларида Урта Осиёда су-
фийлик тариқатининг асосчи-
си Аҳмад Яссавий бошлаб
берган Яссавийлик тариқати
ҳукм суради. Бу таълимот-
нинг асосий ғояси одамлар-
ни руҳий осойишталикка, су-
фийлик йўлига киришга, пир
рахнамоллигида камолат сари
боришга, ҳуллас, бир сўз бил-
ан айтганда, киши бутун
ҳаётини Худога бағишлашдан
иборат бўлган. Ушбу тариқат
йўналишида руҳий камолот-
га эришишнинг асосий
йўллари тўрт босқичдан-
яъни, тасаввуф аҳли шари-
ятнинг барча талабларига
бўйсунуши, ўз пирларига
итоат этиши, шахсий истак-
ларидан воз кечиши шарт
ҳисобланган. Бу босқичдан
ўтганларгина юқориқоқ, яъни
маърифатга қўйрилганлар.
Тўртинчи босқич эса

«ҳақиқатга эришиш» деб ата-
либ, суфийнинг худого ети-
лишига, натижада абадийлик-
ка эришган, деб ҳисоблан-
ган. Унинг тарафдорлари
ҳақиқий бойлик - моддий
таъминотга эга бўлиш билан
эмас, балки маънавий, руҳий
бойликка эришишдан ибор-
атдир, деб билганлар. «Дарқ
оламнинг илгор мутафак-
кирларидан Низомий, Наво-
ий, Хофиз, Жомий қабила-
рининг ижоди ҳам маълум да-
ражада суфийлик фалсафий
оқими билан боғлиқ бўлган.
Шайх Хованд Тахурнинг
отаси - Шайх Умар Боғисто-
ний ўз даврининг билимдо-
ни, дин пешоварларидан бири
саналган. У Бўстонлик туман-
инининг Боғистон қишлоғида
таваллуд топгани учун ҳам
«Боғистоний» номи шунга
нисбатан берилган. Ёш Та-
хур дастлабки сабоқни ўз

насаби пайғамбаримиз Му-
ҳаммад алайҳиссаломдан
кейин халифалик тахтига
ўтирган чорёрларнинг иккин-
чиси - Ҳазрат Умар ибн Ҳат-
тобга бориб тақалар экан.
Яна «Рашахот» да берилган
манбаларга қараганда, Шайх
Хованд Тахур тасаввуфга оид
қўлпаб шарҳлар ёзган. Наҳл
қилишларича, у қийиб юрган
қулоқ табаррук ва карома-
тли бўлган. Уни ният қилиб
қийган бемор бош оғригидан
кутулган, ҳомиладор аёллар
эса деврлий оғрикисиз фар-
занд кўрганлар. Ул зотнинг
қабрлари устидан ўсиб чиқ-
қан дархатнинг соясида
ўтирган киши барча дардлар-
дан халос бўлган.
(Муаллифлар ўзбекистон мақола-
нинг ёзилишида яқиндан
ёрдам берган Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний но-
мидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди Турғун Файзиёва миннат-
дорчилик билдирадилар).

«Ишонч»га жавоб берадилар «УЧҚЎРҒОНДА ИШ НЕГА ОРҚАГА КЕТДИ?»

Газетамизнинг шу йил 11 феврал сониде
юқоридаги сарлавҳа остида танқидий ма-
қола чоп этилганди. Яқинда Наманган ви-
лоят ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Наж-
миддинов имзоси билан ушбу матбуот чи-
қишига оид жавоб хати олинди. Унда хус-
сан шундай дейилади:
— Мақолада Учқўрғон
туманида ўтган қишлоқ
хўжалик йилида йўл
қўйилган хато-камчилик-
лар ҳолисона ва тўлақон-
ли кўрсатиб берилган. 15
феврал кун Учқўрғон ту-
ман ҳокимлигида ҳоким
ўринбосарлари, корхона,
ташкilotлар раҳбарлари,
қишлоқ хўжалиги мутасад-
дилари иштирокида ўтказ-
илган йилгида камчи-
ликларнинг туб сабаб-
лари, айрим раҳбару мута-
хассисларнинг масъулият-

сизликлари атрофлича
муҳокама этилди. Ишдаги
нуқсонларни бартараф
этиш юзасидан аниқ тад-
бирлар ишлаб чиқилди.
Ўтган хўжалик йилида
етарли ташкilotчилик
қўрсата олмаган, галла,
пахта ва бошқа қишлоқ
хўжалиги маҳсулотлари
етиштириш режаларини
бажармаган «Янгиобод»,
«Анджон», Қўнқор ота
номли, «Мустақилликнинг
етти йиллиги» ва «Учқўр-
ғон» қишлоқ хўжалик қор-

ги қондаларини тушунти-
риш ишлари жуда су-
ст олиб борилмоқда. ДАНБ
аҳоли ўртасида, мактаб
ўқувчилари орасида тар-
ғибот-ташвиқот, тушунти-
риш ишларини амалда
эмас, кўпинча қўғозда
олиб бораётган бўлсалар
ҳам ажаб эмас... Туман-
даги йўлсозлар-чи? Ну-
кули ДАНБ ходимлари ва
йўлсозларни айблайвер-
сак, инсофдан бўладими?
Пиёдалар, ота-оналар-
нинг ўзлари-чи? Улар нега
хушёрлик кўрсатишмай-
ди?
1999 йилнинг ташвиш-
ли воқеалари туманда бу
йил ҳам давом этадими?
Буни вақт кўрсатади.
**Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилояти.**

Саволингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат ҳуқуқлари нозирини Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради.

фақат қонунда белгиланган мuddат мобайнида йўл қўйилади.

Масалан, педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомида аттестация натижаларига кўра эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган ходим билан меҳнат шартномасини аттестация ўтказилганидан кейин бир ой мобайнида бекор қилиш мумкинлиги назарда тутилган.

Савол: 30 йилдан кўпроқ бир корхонада ишлаб келдим. Яқинда аттестация ўтказилди. Аттестация комиссиясининг қарорига кўра мени ўз ишимга нолойиқ деб топилди ва мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишди.

Шу муносабат билан ходимлар қай тартибда аттестация қилиниши кераклиги тўғрисида тушунча берсангиз.

Р. ХУДОЙҚУЛОВА. Тошкент шаҳри.

Жавоб:

Ходимнинг бажараётган ишига нолойиқ деб топилгани фақат ходим малакаси етишмаслиги муносабати билан ҳақиқатан меҳнат шартномасида келишилган ишни уddалай олмаганлигига ишонарли далиллар мавжуд бўлган ҳоллардагина қонуний деб эътироф этиш мумкин.

Ходимнинг бажараётган ишига нолойиқ деб топилганини тасдиқлаш мақсадида иш берувчи ходим томонидан ўз хизмат вазифалари зарур даражада бажарилмаётганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Аттестация натижалари яқунларига оид материаллар, текшириш ва брак махсулот чиқарилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, мазкур ходим томонидан ўзларига зарур даражада хизмат кўрсатилмаганлиги ҳусусида миждозларнинг аризалари ва шикоятлари, ходим томонидан хизмат вазифалари бажаролмаётганлиги ҳусусидаги ёзма маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар ходимнинг бажараётган ишига нолойиқлигини кўрсатувчи далиллар рўйхатига киритилиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, малакаси етишмаслиги оқибатида ходимнинг бажараётган ишига нолойиқлиги аттестация материаллари билан тасдиқланади. Бироқ бунда шуни ҳисобга олиш керакки, суд амалиёти аттестация материаллари ходим бажараётган ишига нолойиқлигининг далилларидан бири эканлигидан келиб чиқсади. Аттестация комиссияси ходимнинг малакаси ҳусусидаги ҳулосалари иш бўйича бошқа далиллар билан қўшиб баҳоланиши керак. Судлар ходимнинг ишчанлик фаилатларини муҳокама қилишгагина эмас, балки аттестациянинг ўзини ўтказиш қондаларига риоя қилинганлигини текширишга ҳам ҳақлидир.

Бинобарин, низоми ҳал қилиш чоғида иш берувчи судга фақат аттестация комиссиясининг ходимнинг бажараётган ишига нолойиқлиги тўғрисидаги қароринигина эмас, балки аттестация ўтказиш чоғида уни ўтказиш тартибига жиддий риоя қилинганлиги ҳусусидаги далилларни ҳам тақдим этиши керак.

Хозирги пайтда раҳбар, муҳандис-техник ходимлар, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа соҳаларининг бошқа мутахассисларини, мактаб ўқитувчилари ва бир қатор бошқа тоифадаги ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида турли йилларда тасдиқланган низомига амал қилинмоқда. Шунга эътибор қилмоқ керакки, аттестация тўғрисидаги турли низомилар уни ўтказишнинг турли даврийлигини назарда тутаяди, аттестацияни ўтказиш тартиби бир-биридан фарқ қилади, аттестация натижалари бўйича турлича қарорлар қабул қилиш имкониятларини назарда тутаяди. Шунинг учун аттестацияни ўтказиш олдида мазкур тоифадаги ходимларга аттестация тўғрисидаги қайси низоми таъбиқ этилишини аниқлаб олиш керак.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш мумкин, аттестация комиссиясининг ходимнинг бажараётган ишига нолойиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси корхона раҳбари учун тавсия ҳусусиятига эгадир. Аттестация натижаларига кўра малакаси етишмаслиги муносабати билан нолойиқлиги бўйича ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс қабул қилишга ҳақлидир.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш мумкин, аттестация комиссиясининг ходимнинг бажараётган ишига нолойиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси корхона раҳбари учун тавсия ҳусусиятига эгадир. Аттестация натижаларига кўра малакаси етишмаслиги муносабати билан нолойиқлиги бўйича ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс қабул қилишга ҳақлидир.

КОРХОНА КАДРЛАР БЎЛИМИ

Бозор муносабатларига асосланган ҳужжатли фаолияти корхона ва ташкилотларда ишларни аниқ, юксак самара берадиган тарзда ташкил этишни тақозо этади. Чунки бу талабларнинг бажарилмаслиги харажатларнинг кўпайиб кетишига, бош-бошдоқликка олиб келади.

Корхоналар кундалик фаолиятини бир маромда кетишини, қўйилган иқтисодий ва бошқа вазифалар муваффақиятини таъминлашда улардаги кадрлар билан ишлаш хизматларининг аҳамияти жуда каттадир.

Корхонада қонунчиликнинг таъминлини кўп жиҳатдан кадрлар хизмати фаолиятига, унга раҳбарлик қилаётган шахснинг интеллектуал салоҳиятига, ҳуқуқий онги ва савиясига боғлиқдир. Шу сабабли хозирги кунда ушбу вазифаларга юқори малакали ҳуқуқшуносларни, ҳеч бўлмаса махсус ҳуқуқий тайёргарликдан ўтган шахсларни тайинлаш тавсия этилмоқда. Меҳнат қилаётган ҳар бир ходим билан алоҳида-алоҳида тарзда ишлаш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари рўйбга чиқишини таъминлаш кадрлар бўлими (бошқармаси) кундалик фаолиятининг бош йўналишидир ва шу сабабли ушбу лавозимларда савияси паст, қонунлардан яхши хабардор бўлмаган ва лоқайд одамларнинг ишлаши ёмон оқибатларга олиб келиши табиий.

Маълумки, ходимларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ёки ишдан бўшатиш жараёнлари кадрлар хизмати фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ушбу масалаларда техник тайёргарлик ишлари (ҳужжатларни тайёрлаш, меҳнат шартномаси, буйруқ, фармойиш лойиҳасини тайёрлаш, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириш) кадрлар хизмати томонидан муккамал ва қонун талабларига тўла мос равишда амалга оширилиши зарур.

Корхоналарда меҳнат қилаётган айрим тоифадаги ходимлар (ўсмирлар, ёш болалар оналар, ногиронлар) учун қонун билан белгиланган қўйилган қўшимча имтиёзлар ва қўшимча имтиёзлардан тўла-тўқис фойдаланилишини таъминлашда ҳам корхона кадрлар хизмати етакчи рол ўйнайди.

Корхоналарда меҳнат муҳофазаси қондаларини таъминлашда ҳам корхона кадрлар хизмати иштирокисиз амалга ошириш қийин. Кадрлар бўлими ишлаётган ходимлар меҳнат фаолиятини ундаги ўзгаришларни аниқ ва ўз вақтида юридик расмийлаштирилишини ҳисобга олиб борилишини ҳамда шу асосда ходимнинг меҳнат дафтаридаги тегишли ёзувлар қиритиб бориши лозим. Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилинганда эса уни тегишли равишда расмийлаштирилган меҳнат дафтаридаги ҳақиқатдаги буйруқ нусхаси берилиши, ишдан бўшаган ходим билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши кадрлар бўлимининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб, ушбу соҳада қонун талабларига тўлиқ ва аниқ риоя этилиши нафақат ходимлар манфаатларини, балки корхона манфаатларини, унинг обрў-эътиборини ҳамда қилишда муҳим аҳамиятга эгаки, бу эса меҳнат низомига келиб чиққанининг олдини олади.

Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишда, аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсатини рўйбга чиқаришда корхона кадрлар бўлимининг маҳаллий меҳнат органлари билан ҳамкорликда амалга оширадиган ишлари ҳам ҳаётий долзарб бўлиб, алоҳида мавзунини ташкил қилади.

Иўлдош ТУРСУНОВ, Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси.

ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР КОРХОНА

Кадрлар билан ишлаш вазифаси ўрта ва йирик корхоналарда уларнинг бевосита раҳбарига (тегишли ҳолларда кадрлар билан ишлаш бўйича раҳбар муовинига) бўйсунадиган кадрлар бўлими (бошқармаси) зиммасига юклатилган. Кичик ва ҳусусий корхоналарда кадрлар билан ишлаш вазифаси бевосита корхона раҳбарининг ўзи томонидан ёки унинг топшириғига кўра бошқа ходим томонидан амалга оширилиши мумкин.

Кадрлар бўлими (бошқармаси)нинг фаолияти йўналишлари кенг қамровли бўлиб, бу йўналишлар корхона раҳбари томонидан ходимлар вакиллик органи билан келишиб тасдиқланган кадрлар бўлими (бошқармаси) тўғрисидаги Низомида белгилаб қўйилади.

Кадрлар бўлими (бошқармаси)нинг асосий вазифаси корхонада меҳнат қилаётган барча ходимлар (шу жумладан ўриндошлик асосида ва вақтинча ишлаётган ходимларни ҳам) ҳисобини олиб бориш, уларнинг вазифалари (лавозимлари) бўйича ҳаракатланганини ташкил этиш, меҳнат фаолиятида юз берган ўзгаришларни қайд этиш, меҳнат ресурслари билан таъминланганлик аҳоли ва ундан келиб чиқадиган ташкилий-ҳуқуқий оқибатлар ҳақида корхона раҳбариятини ўз вақ-

ликнинг таъминлини кўп жиҳатдан кадрлар хизмати фаолиятига, унга раҳбарлик қилаётган шахснинг интеллектуал салоҳиятига, ҳуқуқий онги ва савиясига боғлиқдир. Шу сабабли хозирги кунда ушбу вазифаларга юқори малакали ҳуқуқшуносларни, ҳеч бўлмаса махсус ҳуқуқий тайёргарликдан ўтган шахсларни тайинлаш тавсия этилмоқда. Меҳнат қилаётган ҳар бир ходим билан алоҳида-алоҳида тарзда ишлаш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари рўйбга чиқишини таъминлаш кадрлар бўлими (бошқармаси) кундалик фаолиятининг бош йўналишидир ва шу сабабли ушбу лавозимларда савияси паст, қонунлардан яхши хабардор бўлмаган ва лоқайд одамларнинг ишлаши ёмон оқибатларга олиб келиши табиий.

Маълумки, ходимларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ёки ишдан бўшатиш жараёнлари кадрлар хизмати фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ушбу масалаларда техник тайёргарлик ишлари (ҳужжатларни тайёрлаш, меҳнат шартномаси, буйруқ, фармойиш лойиҳасини тайёрлаш, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириш) кадрлар хизмати томонидан муккамал ва қонун талабларига тўла мос равишда амалга оширилиши зарур.

Корхона кадрлар бўлими хизматчилари иш вақти ва дам олиш вақти ҳақидаги меҳнат қонунчилиги талабларини ҳам яхши билишлари ва амалда тўғри қўллай олишлари лозим. Чунки улардан хабардор бўлмаслик ходимларга иш ва дам олиш вақтлари юзасидан берилган ҳуқуқий кафолатларнинг бузилишига, ҳуқуқларнинг поймол этилишига олиб келиши мумкин. Ходимларга йиллик меҳнат тавтили ва турли ижтимоий таътиллар (ўқув, ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ, иш ҳақи сақланмайдиган ва бошқалар) ўз вақтида ва қонун талабларига мувофиқ тарзда берилиши, кафолатлар ва компенсация тўловларининг тўғри тўланиши, ходимларнинг хизмат сафарига юборилишида қонунларга аниқ риоя этилиши кўп жиҳатдан корхона кадрлар бўлими фаолиятига боғлиқдир.

Маълумки, корхоналарда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, турли тартиб бўзишларга қарши самарали кураш олиб бориш корхона нормал фаолиятининг муҳим шарти саналади. Ушбу масалада интизоми бузувчи ходимларга жазони муқаррар суръатда қўлланилишини таъминлаш, жазо ўз вақтида, қонунга тўла мувофиқ тарзда ва адолатли бўлишида кадрлар хиз-

Осиё-Инвест банкнинг Россиядаги мавқеи мустаҳкамланмоқда

Москвада ташкил этилган биринчи Ўзбекистон-Россия Осиё-Инвест банки 1999 йилда муваффақиятли фаолият кўрсатди. Бу эса ҳуқуматларро келишувлар доирасида мазкур банкни тузиш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини тасдиқламоқда. Банк иккала давлат ўртасида экспорт-импорт операцияларини амалга оширишдаги ишончли молиявий тузилмага айланди.


Утган йили банк Ўзбекистон-Россия савдо оборотида хизмат кўрсатишга доир фаолиятининг соҳа ва кўламини янада кенгайтириб, Россия банк тизимидаги мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлаб олди. Россиянинг «Компания» журналида эълон қилинган маълумотларга биноан, 2000 йилнинг 1 январидан 31 декабрга қўра Осиё-Инвест банк Россиядаги 200 йирик банклар орасида рейтинг бўйича 149-ўринни, ишончлилик индекси бўйича - 17, ликвидлик коэффициенти бўйича 7-ўринни эгаллаган.

Шу тариқа Осиё-Инвест банк Ўзбекистон корхоналарини қўллаб-қувватлаш, улар маблағларининг Россия молия бозорига сақланиши, ҳисоб-китобларнинг ишончли механизминини таъминлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқда.

(У.А.)



Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида тадбиркор аёллар кўпчилиги ташкил этади. Зумрадхон Хайитова ана шундай аёллардан бири. У айни кунда «Қумқўрғон» масъулияти чекланган савдо-ҳиссадорлик жамиятини бошқармоқда. Унинг ишбилармонлиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли зардўстлик, гилам тўқиш



ган супермаркет дўкони эса Қумқўрғон хуснига хол бўлиб тушди. Суратларда: 1.Савдо аълочиси 3.Хайитова 2.Оруз супермаркет дўкони. Бахтиёржон ХАМРОҚУЛОВ олган суратлар

Жамоа шартномаларига муносабат "КУВАСОЙЦЕМЕНТ" НАМУНАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини иқтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда.

Хусусан, жойлардаги касабасаб уюшма ташкилотлари бу борада сезиларли ишларни амалга оширмоқдалар. Бунда иқтимоий ҳимоянинг асосий воситаси бўлиши — жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун «Кувасойцемент» хиссадорлик жамиятининг жамоа шартномасига асосан ишчи ва хизматчиларнинг энг кам ойлик иш ҳақлари 3640 сўм қилиб белгиланган. Шу йилнинг январ ойида ўртача ойлик 16280 сўмни ташкил

этади. Утган йил давомида корхонада ишловчи кам таъминланган оилаларга 4549,3 минг сўм моддий ёрдам берилди. Бетоб бўлиб қолган ходимларнинг саломатликларини тиклашлари учун 2 миллион сўмлик дорин-дармон, 630 минг сўмлик йўлланмалар корхона ҳисобидан бўлди. Ишловчиларнинг 316 нафар фарзандларига суннат тўйлари ўтказилди. Корхонада ишлаб турмушга чиққан 12 нафар келинга 841,8 минг сўмлик

моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг ҳар бир иш кунини учун 210 сўмдан туш-туш қилиб қўйилди. Қиш фаслида қишлоқ хўжалик махсулотлари сотиб олиш учун 4198,5 минг сўм сарфланди. Корхонада ойлик иш ҳақлари жамоа шартномасида белгиланган мuddатларда мунтазам равишда берилмоқда. 1998 йил якуни бўйича қиймати 500 сўмдан бўлган ҳар бир акцияга 1042 сўмдан дивидент берилди. Утган йил якуни бундан ҳам кўпроқ бўлди. Ишчи-хизматчилар тўлиқ махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлар. Бунга асосий сабаб бажарилган ишлар учун бюортмачи ташкилотлар томонидан ўз вақтида маблағ ўтказилишидир. Шу боис қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касабаси юлмаси вилоят қўмитаси қўлусида жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш ва амалда бажарилишини таъминлаш бўйича ҳудудий семинар-ўқувларини ўтказди.

Х.КОСИМОВ, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабаси уюшмалари Фарғона вилоят қўмитаси раиси.

СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

Ҳар йилги анъанага кўра бу йил ҳам Жиззах вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма қўмитаси деҳқонларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида йилнинг биринчи чорагида 2 миллион сўм маблағ ажратди.

Хозирги пайтда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларидан 100 нафар киши Самарқанддаги «Ибн-Сино» ва Тошкентдаги «Бўстон» сифатгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқаришарди.

А. АЗИМОВ.

МЕҲНАТ ШАРОИТИ НОСОЗ БЎЛСА

Хозирги кунда Тошкентдаги 1-пойфазал фабрикасида ишлаб турган цехлар сони 3 тани ташкил этади. Корхонани айланиб юриб шунга амин бўлдики, цехлардаги ишлаб чиқариш дастгоҳлари яқин 10 йилдан бери алмаштирилмаган. Бунақанги эски дастгоҳ, ускуналарда иш бажариш қанчалик қийин.

Энди фабрикада хизмат қилаётган ишчилар сонига келсак, цехларнинг ҳар бирида 50-60 тадан иш ўрни мавжуд бўлган ҳолда, амалда уларнинг сони 10-12 кишини ташкил этади. Ҳўш, ишчи ўринларининг бу қадар камайиб кетишига нима сабаб бўлди?

Маълум бўлишича, ушбу фабрикада ўтган йилнинг сентябр ойдан иш тўхтаган. Демак корхонада жорий йилнинг 15 мартгача ҳеч қандай иш қилинмаган. Бу янги йил маош йўқ дегани. Натижада улар бошқа соҳаларда шартнома асосида ишлашга мажбур бўлишган.

Илгари йирик мавқега эга бўлган ушбу корхона хозирги кунда нима сабабдан банкрот ҳолатига тушиб қолди?

Гап шундаки, мутасаддилар бозор шароитида фаолият юритишга ўзларини ҳам, корхонани ҳам тайёрлаш олмадилар. Бугунги кунда фабриканинг кредитор қарзи 27 миллион, дебитор қарзи 6,5 миллион сўмни ташкил этади. Шу боис корхона тақдири барча ишчи-хизматчиларни ҳақли равишда ўйлантирмоқда.

Баҳриддин ЭСОНОВ.

Шукрона

Дунёдаги жамики нарса: табиат мўъжизалари, ботиний ва зохирий бойликлар...

савобига эга бўлиши, уни эшитганлар ҳам, у ҳақдаги фикрларни уққанлар ҳам...

тида бўлим бошлигиман. Уч фарзандимни турмуш жaxon тиллари институтини тугатган...

Эҳ-ҳе ул муборак дамлар кувончи Оллоҳ хузурига ҳозирлигимизни тилда иқрор этиб...

Мушиқа сеҳрли санъат! Турли мушиқа асбоблари ижросида таралган сеҳрли оҳанглар руҳиятимизга олам-олам қувонч...



Тоҳир НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

ХОЖИЛАР ДУОСИ

Шукроналар бўлсинки, собиқ шўро даврида тақиб этилган дину диёнат, иймон-этиқод мустақиллик шарофати билан юртимизга қайтди.

тўфонига учраб бузилиб кетган Каъбатуллоҳни Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил билан қайта бино этганлар.

қизини суҳбатга чорлади. - Тангри таолога беҳад шукроналар бўлсинки, шундай содатманд кунларга етиб келдик.

ўғлим Молия институтини тугатган. 5 нафар шириндан шакер неварам бор. Энди ҳаж таассуротлари ҳақида гапирадиган бўлсам...

Муқаддас Каъба атрофида кечаю кундуз одамлар айланади, бир нафас бўлсин бу ердан қадамлар узилмайди.

Ана шундай мушиқа асбоблари ихтироси, бетакрор истеъдод соҳиби Ҳамроқул ака Ҳайдаровни Самарқанд туманидаги «Дўстлик» жамоа ҳужалиги аъзолари доимо ҳурмат билан тилга олади.

Ҳаж шундай ибодатки, унинг сир асрори, файзу барокатини қалби пок, иймони бутун инсонларгина тўла ҳис қиладилар.

Оллоҳнинг азиз ва мукаррам бандалари бу даргоҳни зиёрат қилиб қалбларига нур инган, руҳлари тозаланиб, янада тақводорроқ, янада сабру қаноатли қайтганлар.

Ҳаж бу кўнгилларни поклайдиган, гуноҳлар авф этиладиган муборак ибодат. Ҳажга аввало ҳалол ишлаб топилган маблағ ҳисобига борилади.

Аслида эрк ва озодлик ҳам Оллоҳнинг бандаларига бахш этган буюк инъоми. Эҳромга ўраниб, юрагим, бутун жисми жоним Каъбага ошиқайман пайтда беихтиёр шу сўзлар хотирамга келди.

Яна қиблагорда туриб ота-оналарини эъозлаб, елкаларига кўтариб зиёрат қилдирадиган солиҳ инсонларни кўрдим, дунёнинг моҳиятини англагандек бўлдим.

Уста Ҳамроқул аканинг шоғирди Бобур Шарипов эса ана шу янги мушиқа асбоби билан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 2-мушиқа фестивалида иштирок этиб кўплаб олқишларга сазовор бўлди.

Оллоҳнинг эса марҳамати кенг. Каъбатуллоҳ Оллоҳнинг уйи. У ер юзидидаги биринчи ибодатхонадир. Унинг ичиди Иброҳим Халиллуллоҳнинг мақомлари, муқаддас оби Зам-зам суви мавжуд.

Эрқнинг шарофати, яхшилиқнинг шарофати билан «Зул Ҳижжа» ойининг бебаҳо хосиятларидан баҳраманд бўлиб, сафару муборакка азму жазм қилган юртдошларимиз Хонаи Каъбани зиёрат қилиб, қалбларини иймон нурларига тўлдириб, ҳожи деган пок ва шарафли номга сазовор бўлиб элимизга қайтидилар.

Эсимни танганимдан бери ҳалол меҳнат қилиб, ўз билимим ва иқтидоримга ишониб яшайман. Таш-Мини аъло баҳолар билан тугатиб, мана қирқ йилга яқин эл хизматидаман.

Айтишларича ҳаж ибодати аслида ният қилинган кундан бошланар экан. Менинг ҳаж сафарим ҳам отам ниятларидан бошланган бўлса неажаб. Негаки, сафар давомида адажонимнинг руҳлари мен билан бирга бўлди.

Сафоли кунларда ҳам юрт соғинчи, жаннатмакон Ўзбекистоним ҳаёли билан яшайдим. Ташкент тайёрагоҳида фарзандларим, невараларим, ёру биродарларим меҳридан қонмай шаҳрим кўчаларини машинада айланиб чиқдим.

Қолаверса уста ўз мушиқа асбоблари билан бир неча бор халқаро фестивалларда қатнашиб, ўзбек мумтоз мушиқа санъати довуруғини оламга таратиб келмоқда. Суратда: уста Ҳамроқул Ҳайдаров шоғирди Бобур Шарипов билан.

Отамиз Одам Сафийуллоҳ Байтуллоҳни иккинчи марта қурганлар. Нух

Ҳаж таассуротларини бошқалар билан ўртоқлашганлар яна бир ҳаж

— Бир неча йил муқаддам, — дейди гротескмейстер Ю.Авербах, — академик И.Крачковскийнинг «Арабча кўлбемалар хусусида» китобчасини кўздан кечириётганимизда мана бу сўзлар диққатимни ўзига тортди: «Баъзан аниқ мағзини чақиш кийин бўлган, лекин хаваскор дид ҳамда моҳирлик билан ўзи учун тартиб этган тўпламлар ҳам қимматли бўлиб чиқади. Абу Али ибн Сино эъшичаларидан парчалар, 918 йилда бидъатпараст дея ўлдирилган Мансур ал-Халложнинг ҳикматли сўзлари-ю, шахмат ўйини ҳақидаги ҳозиргача номаълум бўлган ноёб рисола киритилган ана шундай тўпламлардан бири — Қозон кўлбемаси эътиборга лойиқдир...

фи Абу Али ибн Синодир. Тўпламдаги асарларнинг ҳаммаси XIV асрдан олдинроқ хусниҳат-насих билан кўчирилган. Бу асарлардан биронтаси ҳам ҳозиргача эълон қилинмаган ва тадқиқ этилмаган. Бу — Лобачевский номидаги кутубхонанинг шарқ кўлбемалари коллекциясидаги нодир тўпламлардан биридир. У маъмур кутубхонада 1932


— Биз профессор Баранов билан шахмат рисоласини олган, — дейди сўзида давом этиб Ю.Авербах, — аввалига ҳафсаламиз пир бўлганини аширмаймиз: унда набунақа кўлбемаларга хос шахмат диаграммалари, на шахматчи юрагини жиз эттирадиган вариант-у анализлар бор эди. Лекин рисолаи ўқий бошлагач, кўнглимиз жойига

соният маданиятининг бўлаги деб баҳолашга ҳаракат қилганлиги ҳозиргидек ажойиб жанглардайди. Рисоланинг моҳияти ҳам ана шунда. Рисола муаллифи жуда сермахсул ёзувчи, теолог ва филолог бўлиб, 1108 йилда вафот этган. Унинг энг йирик асари — «Шариати билиш воситаси» — замондошлари орасида кенг тарқалган. Ар-Роғибнинг «Адибларнинг лекциялари» деган иккинчи китоби ҳам олимларга маълум: дарвоқе, унда шатранж ҳақида ҳам унча-мунча маълумотлар бор. Ар-Роғиб ўз рисола-сини «Шахмат этикаси» деб атаган. Бу китоб қисқа муқаддима, шахматнинг мазмуни, шахмат ўйнашнинг мумкинлиги, шахматчиларга насиҳат деган боллардан иборат. Насрий текст баъзан атоқли, баъзан бутунлай номаълум шоирларнинг шеърлари билан бўлиб туради. Хаттот асосий текстнинг бир ёнига: «Шахмат этикаси» китоби-дан танланган боллар деб ёзиб қўйган: шунга қараб рисолаининг асли нусхасида бошқа боллар ҳам бўлган деган фикр тугилади.

Ш.Рашидов туманидаги У.Юсупов номидаги 14-ўрта мактабда янгича анъаналарни ҳаётга жорий этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда мактабнинг Гулнора Жўраева раҳбарлик қилаётган 6-«а» синф ўқувчиларининг «мучал тўйи» талбири гоёй кўнглили ва кизиқарли ўтди.

МАКТАБДА «МУЧАЛ ТҶЙИ»

Ўқувчиларнинг «мучал тўйи»да болалар билан бирга ота-оналар, жамоатчилик вакиллари, мураббий ва устозлар иштирок этмиши.



Суратда: Китоб тумани «Пахта банк» биноси Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

МАЙМАНОҚДА СТАДИОН

Халқимизнинг муқаддас байрами ҳисобланган - Наврўзи олам Касби туманидаги Майманок қишлоғи аҳолисига бир олам қувонч олиб келди.

Байрам кунинда Дарёобод маҳалласи кўчаларидан бирига иккинчи жaxon уруши қатнашчиси, меҳнат фаҳрийси, марҳум Раҳмат бобо Абдуллаев номи берилганлиги яхши кунларда ўтганларни хотирлаш ва ҳурматлашнинг яна бир далили бўлди.

Тўй ва маъракалардан гуррос-гуррос чиқиб келаятган кўкса-ю, ёшининг юзида табассум. Ҳамма замонавий усулда бунёд этилган «Ёшлик» ўйингоҳи томон ошиқади. Ва, ниҳоят, қарнай-сурнай садолари остида 5' минг нафар томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ фойдаланишга топширилди.


Ҳар йили пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик соҳасидаги режаларни ортиги билан бажариб келаяпмиз. Ҳалол меҳнатлар эвазига олинган маблағлар одамлар турмуш тарзини, ободонлаштириш ишларини яхшилашда кўл келаяпти, — дейди Саидо Насафий номи жамоа-ширкат ҳужалиги бошқарувининг раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби Мамадулла Рашидов, — Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда тузилган байрам тадбирига асосан Майманок, Қатагон, Оқжангал қишлоқларида истиқомат қилаётган кам таъминланган, ёлғиз оилалар, уруш қатнашчиларига меҳр-саховат кўрсатилди. Барча меҳнаткашлар ва меҳмонларни байрамни биргалликда нишонлаш мақсадида янги стадионга тақлиф этдик.

Ҳа, даромадга қараб буромад деганларидек, қишлоқлар қиёфаси кундан кунга чирой очиб бормоқда.

Абдулла АЙИЗОВ, «Ишонч» муҳбири.

ШАХМАТ ОДОБИ

МАРОКЛИ МАШҚЛАР Иккала тас-вирда ҳам оқлар бошлаб 4 юришда мот қилади.



ҳам вақт толди. Шахмат рисоласи йигирма учта фалсафий, этикавий ва теологик асарни ўзида жамлаган тўпламнинг кичкина бир жисмини ташкил этади. Асар муаллифлари орасида XI-XII асрнинг машҳур олимлари — тарихчи аш-Шахристони, файласуф ҳамда теолог ал-Фаззолий ва бошқалар бор. Учта рисолаининг муалли-

йилдан бери сақланмоқда: бунгача Татаристон республикаси Марказий кутубхона-музейида бўлган. Бу музейга у қозонлик библиограф, педагог Г.Ганев-Борудий тўплаган улкан Шарқ кўлбемалари коллекцияси орасида 1920 йили топширилган: Беруний уни XIX асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиёдан олиб келган экан.

тушди. Уни бундан тўққиз юз йилча муқаддам ёзган ар-Роғиб Исфохоний: шахмат ўзи нима? деган саволни биринчи марта ўртага ташлаб, унга жавоб беришга ҳаракат қилибди-я! Ар-Роғибнинг айрим фикрлари ўша узоқ давр илм-фаннинг ҳолатини акс эттиради, холос. Лекин унинг шахмат мазмунини билишга, шахматни ижтимоий ҳодиса, ин-

соният маданиятининг бўлаги деб баҳолашга ҳаракат қилганлиги ҳозиргидек ажойиб жанглардайди. Рисоланинг моҳияти ҳам ана шунда. Рисола муаллифи жуда сермахсул ёзувчи, теолог ва филолог бўлиб, 1108 йилда вафот этган. Унинг энг йирик асари — «Шариати билиш воситаси» — замондошлари орасида кенг тарқалган. Ар-Роғибнинг «Адибларнинг лекциялари» деган иккинчи китоби ҳам олимларга маълум: дарвоқе, унда шатранж ҳақида ҳам унча-мунча маълумотлар бор. Ар-Роғиб ўз рисола-сини «Шахмат этикаси» деб атаган. Бу китоб қисқа муқаддима, шахматнинг мазмуни, шахмат ўйнашнинг мумкинлиги, шахматчиларга насиҳат деган боллардан иборат. Насрий текст баъзан атоқли, баъзан бутунлай номаълум шоирларнинг шеърлари билан бўлиб туради. Хаттот асосий текстнинг бир ёнига: «Шахмат этикаси» китоби-дан танланган боллар деб ёзиб қўйган: шунга қараб рисолаининг асли нусхасида бошқа боллар ҳам бўлган деган фикр тугилади.

Мана энди сўз имом ар-Роғибга. (Давоми бор) МАМАЖОН МУҲИТДИНОВ.

ТЕННИС ТУРНИРИ

Март ойининг охирида Наманганда 18 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ўртасида анъанавий тўртинчи халқаро теннис турнири бўлиб ўтади.

Мусобақада дунёнинг 15 та мамлакатидан ёш теннисчилар иштирок этиши кутилмоқда. Турнир Ўзбекистон теннис Федерацияси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган. Наманган кортларида тўпланган очколар спортчиларнинг халқаро ўсимлар таснифидаги рейтингини аниқлаш пайтида ҳисобга олинади.

Advertisement for computer services with phone numbers 83-81-501 and 105-78-38. Services include computer repair, website design, and printing.

Advertisement for a tennis tournament in Namangan, mentioning 18 participants and international players.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Boш муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳажева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Maximalmas: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.